



УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ибрагимов Аббор Алимович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20230474>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-may 2026 yil
Ma'qullandi: 14-may 2026 yil
Nashr qilindi: 16-may 2026 yil

KEYWORDS

Ўзбекистон Республикасида
ижтимоий ва сиёсий соҳада
амалга оширилаётган барча
ислохотлар ўз моҳиятига
қўра инсон манфаатларини
ҳар томонлама
таъминлашга
қаратилгандир.

ABSTRACT

Мақолада уюшган жиноятчиликнинг тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари, қарши курашишда халқаро ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти ва уни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар, шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Мақолада уюшган жиноятчиликнинг тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари, қарши курашишда халқаро ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти ва уни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар, шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 12 март куни уюшган жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш бўйича ИИВнинг таклифлари билан танишиб чиқиб, кейинги йилларда уюшган жиноятчиликнинг шакллари ва усуллари ўзгариб бораётгани, уюшган гуруҳлар томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини очиқчасига менсимасдан, ўзини қонундан устун қўйиб, безорилик жиноятларини содир этгани ёки безорилик жиноятининг оғир шакллари билан бири — ўқотар қуролни намоёни қилиб ёки уни қўллаб ҳамда такроран содир этгани, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатган ҳолда содир этилганлик учун жазо чоралари бугунги кунда етарли таъсир кучига эга эмаслиги, айниқса сўнгги вақтларда ёшлар иштирокида жанговар (аралаш) спорт турлари бўйича ноқонуний жанглари яширинча ташкил этиш ҳолатлари ҳам кузатилаётгани, қонунчиликда бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик чоралари кўзда тутилмагани, давлатимиз раҳбари бу каби таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши муросасиз курашиш ва бундай ҳолатларни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилган нормаларни қонунчиликка киритиш вақти келганини таъкидлаб ўтдилар. Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиш мақсадида жиноий уюшма тузиш, уни

молиялаштириш, бундай гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларни яширишга қўмаклашиш, шунингдек, жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни жорий этиш таклиф қилинди. Шу билан бирга, безорилик учун жазо чораларини кучайтириш ҳамда ноқонуний ташкил этилган жанговар спорт мусобақаларида иштирок этганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш таклиф қилиниб, уюшган жиноятчиликка ва жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва сиёсий соҳада амалга оширилаётган барча ислохотлар ўз моҳиятига кўра инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Глобаллашув замонавий давлатлар ривожланишининг айнан ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг етакчи йўналишларга айланиб улгурди. Глобаллашув жараёни эса, ўз навбатида, жиноятчилик тавсифига, яъни икки ёки ундан ортиқ давлат манфаатлари ва ҳудудларига таъсир кўрсатадиган ҳаракатларга ҳам олиб келиб, турли хил ноқонуний товарлар (курол-яроғ, гиёҳванд моддалар ва бошқалар)ни сотиш ҳажми ошди, бу эса ўз навбатида трансчегаравий жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг кўпайишига ва натижада трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланиб боришига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда трансмиллий уюшган жиноятчилик муаммоси дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.¹ Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари ҳисобланган давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши оқибатида жиноятчиликнинг айрим турларида бир давлат ҳудудидан бошқа давлатлар ҳудудига чиқиб кетиш ҳолатлари кучайиб бормоқда. Яъни бир сўз билан айтганда айрим жиноятлар трансмиллий уюшган жиноятчилик даражасига чиқиб бормоқда. Бу ҳолатлар эса ҳар қандай давлат иқтисодий ривожланишида жиддий тўсқинликлар келтириб чиқаришига олиб келади. Уюшган жиноятчилик шуниси билан хавфлики, у жиноятчиликнинг ҳар қандай турида мавжуд, яъни ҳар қандай жиноятчилик яқка ҳолда ва уюшган ҳолда содир этилиши мумкин. Шу сабабли, уюшган жиноятчиликка таъриф беришдаги ёндашишларни ягоналаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Уюшган жиноятчилик тушунчасига турли давлатларда ва турли тадқиқотчилар томонидан турлича таърифланиб келинмоқда. Шу сабабли мазкур муаммони ўрганишда асосий масалалардан бири “уюшган жиноятчилик” тушунчасига тўғри тариф бериш ҳисобланади. Уюшган жиноятчилик тушунчасига тўғри тариф бериш орқали биз ушбу муаммога қарши курашишга тўғри ёндошимиз мумкин.

Уюшган жиноятчилик тушунчаси ёритиш учун дастлаб уни ўзига хос хусусиятлари ва аломатларини ёритиш, кейинчалик эса уни содир этилиш усулларини

¹ Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(1), 117-123.

аниқлаштириш лозим бўлади. Бу эса бизга уюшган жиноятчилик бошқа жиноятчиликдан нимаси билан фарқ қилинишини кўрсатиб беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муаммонинг муҳимлигини таъкидлаб, уюшган жиноятчиликни "инсоният учун янги чақириқ ва таҳдидлар"дан бири деб ҳисоблайди. Трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг тушунчасига тадқиқотчилар томонидан, махсус адабиётларда ва халқаро ҳужжатларда турли хил ёндашилмоқда.

Трансмиллий жиноятчилик таърифи ишлатилиши бўйича² бир нечта таклифлар Интерполга аъзо мамлакатлар иштирокчиларининг 1988 йилда Сант-Клаудда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро симпозиумида муҳокама қилинди. Муҳокама натижасида ушбу жиноят таърифини асос сифатида эндиликда қабул қилиш ва ишлатиш тўғрисида келишувга эришилди. Трансмиллий уюшган жиноятчилик деганда доимий равишда жиний фаолият билан шуғулланадиган ва асосий мақсади ҳар қандай жойда, миллий чегараларидан қатъи назар, фойда кўришни мақсад қилган одамлар гуруҳи фаолият юритадиган ташкилот мавжудлиги ва унинг фаолиятида иштирок этишни тушуниш лозимлиги тавсия этилди³. А. Г. Волеводз фикрга кўра, трансмиллий уюшган жиноятчилик – бу миллий, диний, этник, қариндошлик асосида ташкил этилган бир ёки бир нечта жиний гуруҳларнинг жиний ҳаракатларининг (фаол ҳаракатларининг) изчил мақсадли тизими бўлган таркибий жиҳатдан мураккаб, ижтимоий, ҳуқуқий ҳодиса. Профессинал ҳуқуқбузарлик содир этиш ва фойда ёки бошқа тақиқланган даромадларни олиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудида фаолият юритадиган минтақавий ёки бошқа алоқалар, деб тариф берган.

15.11.2000 йилда БМТ "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида" конвенцияси имзоланиб қабул қилинган, мазкур конвенция 2003 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ва Ўзбекистонда ушбу Конвенция 2004 йил 8 ноябрь куни қонуний кучга кирган. Ушбу Конвенция [5] нинг 3-моддасида жиноят трансмиллий хусусиятга эга бўлиши учун:

а) бир нечта давлатларда содир этилган бўлса;

б) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин уни тайёрлаш,

режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилса;⁴

в) бир давлатда жиний гуруҳ (жамоа) томонидан содир этилган бўлиб, ўз жиний фаолиятини бир неча мамлакатларга тарқатган бўлса;

д) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда юзага келган бўлади деб кўрсатилган.

Шунингдек ушбу конвенциянинг қабул қилиниши трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда давлатларни бир бирлари билан бирлаштиришда янги имкониятлар очиб берди.

² Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. *Eurasian Journal of Academic Research*, 4(1-2), 97-103.

³ Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. *Central Asian Journal of Education and Innovation*, 4(5), 103-105.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликка берилган тарифлардан ва халқаро ҳужжатлардан келиб чиқиб, манимча трансмиллий уюшган жиноятчилик – бу ижтимоий хавfli ходиса бўлиб, ноқонуний равишда бойлик орттириш мақсадида давлат чегарасидан чиқиб, бир нечта давлатларда жиноий фаолият олиб борувчи уюшган жиноий гуруҳларни (уюшма) фаолиятини ифодалайди деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда фақат халқаро ҳамкорликни таъминлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликда қарши курашишганда ўзининг ижобий натижасини беради. Шунинг учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан уюшган жиноятчиликка қарши курашишда давлат бошқарувининг барча ўзига хос аҳамиятга эга ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан, шунингдек хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва халқаро ташкилотлар билан ушбу йўналишда кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд ҳамкорлик самарадорлигига эришиш учун турли усул вавоситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 1(1), 117-123.
2. Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. Eurasian Journal of Academic Research, 4(1-2), 97-103.
3. Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. Central Asian Journal of Education and Innovation, 4(5), 103-105.